



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 14 ноябрь, чоршанба

№90 (11.375)

Эркин нархда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 ноябрь кун Оқсаройда Япония парламенти Вакиллар палатасининг депутаты Нарикаки Накаямани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Япониядаги таниқли бу сиёсий арбоб мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Япония Ўзбекистонга турли йўналишлар, хусусан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари, шунингдек, сув танқислиги муаммоларини бартараф этишда беғараз ёрдам кўрсатиб келаётганини ало-

қисда таъкидламоқ керак, — деди Президент Ислам Каримов. — Ўн миллионлаб АҚШ доллари билан ўлчанадиган мазкур лойиҳаларни амалга оширишда Сизнинг ҳиссангиз ҳам катта.

Шуни айтиш жоизки, давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан буюн ўзаро бори-

қисда ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. (Ў.А.)

ЕТБ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИ САРМОЯ КИРИТМОҚДА

Шу кунларда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) президенти Жан Лемьер раҳбарлигида делегация мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги Рустам Азиев билан учрашди.

Музокара сўнггида ЕТБ томонидан Ўзбекистондаги турли лойиҳалар учун кредитлар ажратиши борасидаги битимлар имзоланди.

ЕТБ анча вақтдан буюн Ўзбекистон темир йўллари-ни такомиллаштириш иш-да иштирок этиб келмоқда. 1999 йили банк "Ўзбекистон темир йўллари" учун 40 миллион евро миқдорида

кредит ажратган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати билан ЕТБ ўртасида Андижон шаҳрида ис-сиклик таъминотини яхши-лаш учун 17,5 миллион евро ажратиш борасида ҳам ҳуж-жат имзоланди. Швейцария ҳукумати Андижон шаҳри ис-сиклик таъминотини яхши-лашга ўз улушини қўшиш мақсадида, 4 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратишга қарор қилгани ҳам эълон қилинди.

Элмурод ЮНУСОВ, ЎзА мухбири.

Вилоят ҳокимлигида ҚОНУН МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоят ҳокимлигида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар кири-тиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қону-ни ижросининг муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда республика Олий суди ҳамда прокуратура ва-киллари, вилоят ҳокими ўрин-босарлари, жиноий ишлар бўйича суд расиси, ички иш-лар ва боғжона бошқармала-ри бошлиқлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари ва прокурорлари, жиноят ишла-ри бўйича судьялари, ички ишлар бўлими бошлиқла-

ри, тергов ва суриштирув идо-ралари раҳбарлари иштирок этдилар.

Ийгилишни вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов бошқарди.

Маслаҳат кенгаши қатнаш-чилари ушбу қонун талабла-рини амалга оширишга доир масалалар юзасидан фикрла-шиб олишди. (Ў.А. мухбири).

«Ҳосил байрами — 2001»

БУНЁДКОР ХАЛҚ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА



Меҳнат кишини улуғлайди, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда меҳнат қилган азиз. У доимо эл-юрт ардоғида. Чеқкан захматига яраша ҳам моддий, ҳам маънавий озуқа олади, роҳатини кўради.

Биз ўтган якшанба кун Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ўйингоҳида вилоятимиз учун ҳар жиҳатдан бароқали келган 2001 йил «Ҳосил байрами» тантаналарига йиғилган минглаб ёшۇ қари, эркак аёл чехросидаги хурсандчилик, мамнуният, фахр ва ифтихор туйғуларини кўзи-миз билан кўриб, қалбимиз билан ҳис этдик.

Эрталаб соат ўн бўлмаёк, ўйингоҳ ташқарисидаги кенг, сервизор дарахтлар савлат тўққан майдонда оқилон ташкил этилган, дид билан безатилган савдо ярмаркаси байрам иш-тироқчилари билан гавжум бўлиб кетди. «Вилоятсавдо» концерни, «Матбуотсавдо» акциядорлик уюшмиси, Кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармиси, «Ўзғевасабза-вот» концерни томонидан уюштирилган ушбу кўргаз-ма-савдо расталари вилоят-тимизнинг сажий дала ва боғ-роғларига етиштирил-ган турли-туман ноз-неъматлар билан тўлиб тошган. Бир томонда қатор дошқозонларда мазали мил-лий таомлар тайёрланиб, тантана иштирокчиларини қорлаётган ошоналар, ҳар хил лавазатли ичимликлар, ширинликлар, эсдалик сов-галари ҳамда янги газета ва журналлар билан савдо қилувчи дўконлар саф тор-ган.

Ўзбекона миллий либос-лардаги савдо ходимлари, оппоқ халатли уста пазан-даларнинг кўли-қўлига тег-майди.

Ўйингоҳнинг ҳар томони-да вилоятнинг ҳар бир ша-

ра ва тумани ўз вакиллари учун алоҳида жой безатиб, байрам дастурхонини тўкин-сочин қилган. Чор атрофда лангар чўпини ҳавода муал-лақ кўтарган дорбозлар, тош кўтарувчи полвонлар томоша-ларини бошлаб юборишган. Вилоятимизнинг таниқли спортчилари — енгил атлет-икачилар, курашчилар, мото ва велоспортчилар, чавандозлар байрам мусобақаларига тайёргарлик қўришмоқда.

Радиоканаллардан тиним-сиз авж пардаларда янграёт-ган Ватанин, меҳнатни, дўстлиқни, тинчликни ва то-тувликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, қарнай, сурнай, нўғораларнинг сехри садол-лари кишиларга кўтаринки рух, ҳуш кайфият бағишлаб, уларни байрам тантаналари ҳадемай бошланадиган ўйин-гоҳга қорлайди.

Бугун «Дўстлик» ўйингоҳи ҳам ўзгача ясан-тусан қилган, гоё сержило, фусункор. Ўйин-гоҳга қирилдиган дарбоза пештоқига «Ҳосил байрамин-гиз муборак, бободоқлар!» алвон шиори осилган. Балан-да эса Ўзбекистон Республи-касининг давлат байроғи хил-пираб турибди. Ичкари кири-шингиз билан янада гўзал манзарага нигоҳингиз тушиб,

радлигиз яйраб кетади. Ям-яшил футбол майдонининг тўрида махсус саҳна барпо этилиб, анвойи гуллар билан безатилган. Саҳнанинг ол-ди кимига ярим ой шаклида яса-либ, ўрнатилган камалак рами-зи. Унинг етти хил жилиси мусаффо кўк гўмбазидида ча-рақлаб турган саҳий кўёш нурида ақли шоширар дара-жада ранго-ранг товланади. Икки томонда минглаб ўрин-дикларни тўлдириб ўтирган «Ҳосил байрами» иштирокчи-ларининг оҳорли либослари ранглари беҳисоб гуллару гўзал камалакнинг ранглари билан уйғунашиб кетгандек, гўё. Улар орасида уста пилла-кор, галлакор, пахтакордан тортиб миришкор борбун соҳибкорларга, вилоятимиз қорхона, ташкилот ва муас-саларидан қалб амри билан ҳашарга чиқиб, пахтакорлар-нинг юмушини осон, юқини енгил, қалаба маррасини яқин қилган ишчи-хизматчиларга бор. Зеро, бу йилги «Ҳосил байрами» нафақат қишлоқ ҳўжалиги ходимлари, балки бутун вилоят меҳнаткашлари-нинг байрамидир. Хусусан, вилоятимиз мамлакатнинг сано-ат тизими юқори, айтиш мум-кинки, бошқа вилоятларга нисбатан устувор даражада ри-вожланган минтақаларидан биридир. Бошқача қилиб ай-тганда, мамлакатимизда рўй бераётган асрга татигулик ул-кан бунёдкорлик ишларида, ижтимоий-иқтисодий ислохот-ларни ривожлантириш ва яна-да чуқурлаштиришда вилоят-имизнинг ўзига ҳос салмоқли хиссаси бор.

Чунончи, республика сано-ати маҳсулотларининг 20 фо-изи, электр қувватининг 45 фоизи, қўмирнинг 98 фоизи,

Истиқлол дилин-дилга, эли-элга яқинлаштириш

Республика Байналмилал маданият марказида Респу-блика поляк миллий-маданий маркази ва Польшанинг Ўзбе-кистондаги элчихонаси томо-нидан ташкил этилган поляк Республикаси муста-қиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар ай-нан истиқлол шарофати бил-лан Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт ва маданият жа-баларида тобора раванк то-пиб бораётганини кайт эдди.

Тадбирда юртимизда исти-комат қилаётган поляк мил-лати вакиллари «Зажвёв» ансамбли поляк миллий куй ва қўшиқларини ижро этди. (Ў.А.)

Меҳнат кишини ўз касби қорига оид ил-роқ тажрибалар, анги-ликлардан воқиф бўлиб турса, билмиш, малакаси ортиб, дунё-қараш кенгайиб бо-ради. Демакки, иши унмилли, бароқали, кайфияти ҳам чоғ бўлади.

— Биз эришаётган ютуқ-ларнинг сирини ҳам, шунда, — дейди Тошкент тумани-даги Мухаммадхон Фози-лов номи ширкат ҳўжали-ги бошқаруви раисининг ўринбосари Малика Курбо-нова, — мактанятти деманг, бизнинг меҳнаткашлари-миз матбуот нашрларига ўч ва ишқибоз. Деярли ҳар бир хондон ў ёки бу тур-даги газета, журналларни мутолаа қилади. Уларга обуна бўлади. Бу йил ҳам бизда обуна нийоятда уш-

ҲАММАМИЗ ГАЗЕТХОНМИЗ

қоқлик билан бошланди. Ҳўжалик бўйича бошқа тур-даги нашрлар қаторида «Тошкент ҳақиқати» газетаси-га ҳам қўллаб-деҳхон, боғ-бон ва соҳибкорларимиз ёзилиши. Уларнинг сони ҳозирги кунда 70дан ортиб кетди.

— Мухлислам кўп эканда? — Бўлмаслар, — дейди Малика. — Ахир биз бу на-шрни ўзимизнинг энг яқин дилқашимиз, маслаҳатчимиз деб биламиз. Ҳар бир со-ниинг иштироки билан кутамиз, севиб ўқиймиз.

— Газетанинг янада ўқимишли ва мазмунли бўли-ши учун сизнингча нималар-га эътибор беришимиз ке-рак, шў хусусида қандай му-лоҳаза ва таклифларингиз бор? — Ўзингиз сўраб қолдин-

Обуна қандай бормоқда?

кўпроқ ўқигимиз келади. Уша кўни мен ҳўжаликда узоқ йиллардан буюн меҳнат қилиб келаётган фахрийлар, уста сазавоткорлар, соҳиб-корлар, қорвадорлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг ҳам фикрлари билан қизиқдим. Бизда деб айтишди улар, умр бўйи ҳўжаликнинг до-руғини таратишга, бойлик ишлаб чиқаришни йил сай-

ин кўпайтиришга ҳисса қўшган ўз иш услублари-ни, тажрибаларини ёшлар-га эринмай ўргатиб кела-ётган, муқими оила тебрат-иш ва уни бошқаришда намуна бўлаётган катта ёшдаги деҳқонлар оз дей-сизми, уларнинг баъзилари раҳматли бўлиб кетган, айримлари эса кексалик гаштини суришяпти. Ана шундай фидойи инсонлар ҳақида ёзсаларингиз. Улар-нинг ибратли ҳаёт йўллари кўпларга ўрнак бўлар эди, деган мулоҳазаларни бил-диришди.

Биз ижодкорлар ўзимиз-нинг кундалик фаолияти-мизда бу мулоҳазалар, ис-таклардан албатта зарур ҳу-лоса чиқармоғимиз керак. Зотан қарс икки кўлдан чи-қади деб, бежиз айтмайди-лар.

Экологик семинар

Фазалкентда «Asar» (USATO: «Периферия» грантлар дасту-ри) доирасида ташкил этил-ган экологик семинар нийо-ҳасига етди. Бу ерда туманлар мактаблари ўқитувчи ва му-раббийлари тажрибали ўқитувчи-экологлар раҳбарли-гида Ўзбекистон Республика-сида табиати муҳофиза қилиш қонунчилигининг амалда қўлланиши борасидаги янги ютуқлар билан танишиш учун тўпланди.

Семинар иштирокчилари томонидан ўқувчиларга таби-ати асраб-авайлаш қўнима-ларини сингдириб бўйича энг замонавий услублар ишлаб чиқилди. Шунингдек, респу-бликада атроф-муҳитни му-ҳофиза қилишнинг бугунги ва-зифалари акс эттирилган бир қанча амалий ўйинлари ҳам ўтказилди. (Ў.А. мухбири).

AZIZ D'OSTLAR!

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида 2002 йил учун бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилиши давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ Шу кунларда унга тўхтовсиз ёзилишингиз ва яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

Носир РИХСИБЕВ.



бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар тилмайми!

Шундан сўнг ўзбек халқининг севилими ижодкори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, республика Олий Мажлиси депутаты Абдулла Орипов тантанали байрам сахнасига қўтирилиди.

— Шу қўёшли, нурули қунда пойтахт вилоятининг заҳматкаш ва танти аҳлини республикаимизнинг бутун ижодкорлари номидан «Хосил байрами» билан қўтлаш менга гоят ҳузур бағишлайди, — деди Халқ шоири. — Чўки ўзбек халқига ҳос бўлган анъанави «Хосил байрами» уюмида бир қатор рамзий маънолар мўжассам. Бу — тинчлик, тотувлик, ҳамжихатлик, яратувчилик байрами ҳамдир. Тинчлик, тотувлик эса биз учун ҳў гавҳаримиз каби азиз ва мўътабардир.

(Давоми 3-бетда).

**Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.**

Неъмат ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири.

**Мирсобир
МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент
ҳақиқати»нинг махсус
мухбири.**

